

МАВЗУ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ ҲАМДА СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАР БИЛАН МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

РЕЖА:

- 1. Касб этикаси тушунчасининг мазмун-моҳияти.**
- 2. ДСХО ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари.**
- 3. ДСХО ходимларининг муомала одоби, сўзлашув ва нутқ маданияти.**
- 4. Солик тўловчилар билан муомала маданиятининг асосий талаб ва мезонлари.**

Касб — араб тилидан олинган бўлиб, бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда, хунар ва машғулот маъноларини англатади. Касб – иш, фаолиятнинг маълум тажриба ва тайёргарлик талаб этадиган бирор тури ва соҳасидир. Бугунги кунда дунёда 40 мингдан ортиқ касблар мавжуд.

Этика юононча «*ethos*» - сўзидан олинган бўлиб “хулқ, одат” маъноларини англатади.

Ахлоқ — ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида инсон хулқ-авторини тартибга солиб турадиган принциплар, талаблар ва қоидалар мажмуудан иборатдир.

Ахлоқ бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У Шарқда «Илми равиш», «Ахлоқ илми», «Одобрение» сингари номлар билан атаб келинган. Европада эса «Этика» номи билан машҳур. Бу атамани фанга юонон файласуфи Аристотел киритган.

Ахлоқ нормалари, анъана, урф-одатларга асосланади. У ўлка, мамлакат, минтақа ва турли миллатларда ўзгача амал қиласи.

Этиканинг негизини **жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкий муносабатлар, меҳнат тақсимоти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари ташкил** этади.

Давлатнинг фаолият кўрсатиши, давлат аппарати ва давлат хизматининг ҳолати мамлакат аҳолисида унга нисбатан ижобий ёки салбий тасаввурларни пайдо қиласи. Шу сабабли, ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шакллангани жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, улар билан доимий ишлаш, малакасини ошириб бориш, самарали давлат хизматчилари захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган биринчи галдаги вазифалардан хисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини узок муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда самарали соликقا

тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида ахамият касб этади.

Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари деганда давлат ва жамият хизматида бўлган ходимнинг давлат билан ўзаро муносабатлари, у хизмат қилаётган фуқаролик жамияти, давлат ва унинг фуқароларининг хуқуки, эркинликлари ва қонуний қизиқишлиарини ҳимоя қилишда ўзаро муносабатларни таъминлашга доир талабларни ифодалайдиган одоб-ахлоқ меъёрлари моҳияти тушунилади. Бу – давлат хизматчиларининг биргаликдаги касбий фаолиятлари жараёнида жамоада ахлоқий-психологик мұхит яратиш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида давлат хизматчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган умумий қадриятлар ва қоидалар тизимиdir.

Тартибга солувчи вазифа одоб-ахлоқнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Одоб-ахлоқ инсоннинг амалий фаолиятини жамиятнинг ва бошқа одамларнинг манфаатларини ҳисобга олиш нүктаи назаридан йўналтиради ва тартибга солиб боради. Одоб-ахлоқнинг ижтимоий муносабатларга фаол таъсири индивидуал хатти-ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Одоб-ахлоқнинг тарбиявий вазифаси инсон шахсини шакллантириб, унинг ўз-ўзини англашида иштирок этади.

Давлатнинг фуқаролар кўз ўнгидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва одоб-ахлоқига боғлиқ. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар, хусусан маъмурий ислоҳотлар қизғин тус олиб бораётган экан, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият ҳам ортиб боради. Давлат хизматчилари эга бўлиши зарур бўлган ахлоқий сифатлар орасида энг муҳимларидан бири ҳалолликдир. Ҳалоллик айни пайтда фаоллик ва интизомлиликни ҳам тақозо қиласди. Ҳалоллик иродада билан боғлиқ. Ҳалолликнинг ахлоқий сифатларидан яна бири шаън билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Ўз шаънини, қадр-қимматини эъзозлаган шахс ҳалол бўлади.

Давлат хизмати этикасининг ўзига хос қоидаси – хизмат субординациясидир. Бу – давлат ҳокимияти органларида ўзаро муносабатларнинг асосий одоб-ахлоқ ва ташкилий қоидаларидан бири сифатида хизмат интизоми меъёрларига асосланган кичикларнинг катталарга хизмат бўйича қатъий бўйсуниш, фуқаролик хизмати мансабларининг иерархияга мувофиқ юқори раҳбарларга бўйсуниш, уларнинг буйруқ ва топширикларини аниқ ва ўз вақтида бажариш тизимиdir.

Касб этикаси деганда муайян бир касб фаолиятида қўлланиладиган асосий тамойил ва маънавий меъёрлар мужассам бўлган қоидалар тушунилади. Улар жамият томонидан қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрлари,

кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан татбиқ этиладиган касбий бурч, орномус ва қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлар мажмуудан иборатдир.

Дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида давлат хизматига ишга қабул қилиш ва давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш чоғида ходимларнинг руҳий-психологик ҳолати, уларнинг қаттиқ руҳий зарбаларга бардошлилиги, мураккаб, танг вазиятларда тўғри ҳаракат қила олиш лаёқати масалаларига алоҳида эътибор берилади. Шундан кейингина хизматчиларнинг касбий ва шахсга доир кометенциялари аниқланади ва тестдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарорида ўз ечимини топмаган бир қатор муамоларга эътибор қаратилган бўлиб:

- солиқ маъмуритчилигига коррупциявий муҳитни шакллантираётган, давлат солиқ хизмати органларининг деярли барча бўғинларида ходимлар коррупциялашувига олиб келаётган сезиларли шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

- солиқлар тўлашдан бўйин товлашнинг турли схемалари яратилишига олиб келаётган, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўйича берилган ваколатлардан самарасиз фойдаланилиши шулар жумласидан эканлиги таъкидланган.

Мазкур қарорда солиқ маъмуритчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида қуйидагилар ҳам санаб ўтилган:

- давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ хизмати – инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариш;

- давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбариятига юқлатилган вазифа ва ваколатлар сирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонун бузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш;

- юқори профессионал малака ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган профессионал кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вижданан хизмат қилаётган ходимларни уларнинг шахсий ҳиссасидан келиб чиқсан ҳолда рағбатлантириш механизмларини яратиш;
- давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан коррупция кўринишлари ва мансаб суиистеъмолчиликлари содир этилишининг барча хавфларини бартараф қилиш.

Бугун давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бунда ҳар битта ташкилотда ўрнатилган касб этикаси, одоб-ахлоқ меъёрлари муҳим аҳамиятга эга. Касб этикаси ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларининг ўрнатилиши, аввало ташкилотдаги ички муҳитнинг барқарор ривожланиши, ходимлар вазифаларини амалга ошириш чоғида мажбурий бўлган хулқ-атворнинг маънавий ҳамда ахлоқий принципларини самарали қўллашга замин яратади.

Аввало, касб этикаси деганда муайян бир касб фаолиятида қўлланиладиган асосий тамойил ва маънавий меъёрлар мужассам бўлган қоидалар тушунилади. Улар жамият томонидан қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларини кишиларнинг ихтисосликларига нисбатан татбиқ этиладиган касбий бурч, орномус ва қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлар мажмуидан иборатdir.

2022 йил 28 майда Сенат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ва қадр-қиммат каби хатти-ҳаракатлар мажмуидан иборатdir.

Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат хизмати соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади.

Белгилangan одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, беғараз ва холис бўлиш, ўз хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик, қонунда белгилangan муддатларда ва тартибда ўз даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиш, давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш давлат хизматчисининг мажбурияти ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозимлари “сиёсий” (вазир, раис, директор ва б.), “бошқарув” (департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари) ва “ёрдамчи” (мутахассис, инспектор ва консультантлар) гурухларга бўлинади.

Давлат хизматига номзодлар мустақил танлов асосида ёлланади ва уларнинг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) тизими асосида баҳоланади.

Қонунда давлат хизматчиларига совғалар олиш ва бериш қоидалари, шунингдек коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаган давлат хизматчиларининг ротацияси талаблари каби профилактика механизмлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сонли қарори билан “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари” тасдиқланди.

Мазкур қарорга мувофиқ давлат органларига ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ қоидалари асосида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда барча давлат органлари тизимида ўзининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, Солиқ Кўмитасининг 2022 йил 24 октябрдаги 333-сон буруғи билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ Хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланди.

Ушбу Намунавий қоидаларнинг қабул қилиниши натижасида барча давлат органлари тизимида касб этикасининг ўзига хос намунавий қоидалари яратилди. Мазкур норматив-хуқуқий ҳужжат давлат хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Унда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилди.

Шунингдек, Одоб-ахлоқ қоидаларида ҳар бир давлат органи тизимида Одоб-ахлоқ комиссияларининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифа ва функцияларини белгилаш назарда тутилган. Бунда давлат органлари хизматчилари ўз хизмат вазифасини вижданан, юксак касбий даражада бажариши, қабул қилган қарорларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши, бирор-бир шахс, гурӯҳ ёки ташкилотга ён босмаслик ёки устунлик бермаслик, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик билан боғлиқ бир қанча тартиб-таомиллар белгиланди.

Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданияти, хизмат

фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи қўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш, жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган ҳурмат ва ишончни ошириш ҳамда давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;

фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатъий сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қиласлини;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқ-атворнинг қўйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормалари доимий риоя қилиш;

масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига кўмаклашиш;

хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат хиссини уйғотиш;

оиласида соғлом муҳитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

жамиядда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

Давлат хизматчилари ўз ваколатларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига,

ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчиллик ҳужжатларига амал қиласади.

Давлат хизматчилари Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар эса давлат хизматчиларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талақ қилиш ҳукуқига эга.

Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизматчилари:

фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда қонунийликни, адолатлиликни ва шаффоффликни таъминлаши;

давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

давлат органлари ва ташкилотлари, давлат хизматчилари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган хукуқбузарлик ва бошқа хатти-харакатларга йўл қўймаслиги;

касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишини талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизматчилари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик хужжатларига сўзсиз риоя этиши;

мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содик бўлиш;

ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

юқори давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ишлаб чиқилаётган норматив-хукуқий ва бошқа хужжатларга бирон-бир шахс, груп ёки идоралар манфаати нуқтаи назаридан ёндашмаслик ҳамда уларнинг манфаатлари ифода этилишига йўл қўймаслик;

ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

давлат хизматчилари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа хукуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равища бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар хуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

бириктирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган материалларни жойлаштирумаслик;

фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

мехнат жамоасида ишchanлик муҳитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиши;

мехнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обрўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

Раҳбарлар қуйидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги давлат хизматчиларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўrnak бўлиш;

жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

давлат хизматчиларини қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

давлат хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

давлат хизматчилари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

бўйсунувидаги давлат хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш.

Рахбарлар бўйсунувидаги давлат хизматчиларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизматчилари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда қуидагиларга мажбур:

миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

дабдаббозлик, шуҳратпарастлик, гурухбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари давлат хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

жамоат жойларида (кафе, ресторон ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан қимматбаҳо совға олмаслик;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, ваколатли шахсларга хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқенини суиистеъмол қилмаслик;

хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш;

тадбиркорлик ёки ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари) шуғулланмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат хизматига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниши, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласидиган тарзда кийинмаслик.

Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар давлат органлари ва ташкилотлари раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

Қўйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

оммавий баёнот матни ва мазмuni давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса;

оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;

оммавий баёнот бошқа давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

Давлат хизматида жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим.

Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, давлат хизматчиси ўз фикрларининг янглишилиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишchanлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун хужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига хурматини, шу жумладан давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак.

Давлат хизматчисининг ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услугига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

Давлат хизматчиларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услугига оид қўшимча талаблар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

Касб одоби сирлари

Касб одоби – бу одамларнинг касб фаолиятидан келиб чиқадиган ўзаро муно-сабатларининг ахлоқий характерини таъминлайдиган қонуниятлардир.

Маданиятли ходим раисни ҳам, бошқарма ва инспекция бошлигини ҳам, фаррошни ҳам бир хилда хурмат қилмоғи лозим.

Инсоннинг ўз фаолияти, қилган ишлари ва белгилаган мақсадларини ички руҳий таҳлил эта олиш қобилияти – виждондир.

Хушмуомалалик – хулқ-атворнинг қундалик хусусияти, одамларни хурмат қилишни англатувчи ахлоқий қадрият, одамлар билан меҳр-оқибат асосида қурилган мулоқотнинг шарти, ҳар қандай кишига, агар у ёрдамга мухтож бўлса, ёрдам қўлини чўзиш демакдир.

Тўғрилик – одамлар билан одоб-ахлоқ асосига қурилган муносабат, турли вазиятларда ўзини тута билиш, одиллик ва ҳалолликни англатади.

Камтарлик – ютуқларини пеш қилмаслик, манманликдан ҳоли бўлиш, вазминликни англатувчи сифатдир.

Камтарлик тортинчоқлик дегани эмас, Тортинчоқ одам ўзини етарли даражада баҳолай олмайди. Бундай одамларни тез-тез мақтаб туриш, уларга дадиллик беради, ўзига бўлган ишончини оширади.

Ходимнинг касбий сифат ва фазилатлари

Касбий малака ва кўнималарга эга бўлиш, жамоада ва жамиятда одамларни бир-биридан ажратмаслик;

Тавозели, ўзини тута оладиган, одобли ва мулойим бўлиш, ўз хатти-харакатларини танқидий баҳолай олишдир.

Нутқ ва тафаккур сифатлари – кучли хотира, доимий дикқат, соғлом ақл, фикр кенгли-ги, чукурлиги, тезлиги, муаммо мөхиятини тез англаң олиш, ижодийлик, маънавий қизиқишилари доираси кенглиги, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда қисқа, тушунарли, аниқ ифодалаш;

Характер сифатлари – мақсадга интилевчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, одамларни ишонтира олиш, мулоҳазакоркорлик, ҳазил-мутойиба туйғусига эгалик;

Хис-туйғу сифатлари – турғунлик, аниқлик, ифодалилик, кучли ҳаяжонли ҳолатларда түғри ҳаракатлар қила олиш, мулоқотга киришганда бошқалар кайфиятини, ҳис-туйғуларини ҳисобга олиш, ўз ҳис-ҳаяжонлари ва кайфиятини бошқара олиш қобилияти;

Маънавий-ахлоқий сифатлари – меҳнатсеварлик, одамларга нисбатан дўстлик, инсонпарварлик, самимилик, ҳалоллик, виждонлилик, сабрматонат, холислик, тартиб-интизомлилик, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, ўзгалар фикрини тушуниш ва ҳисобга олишдан иборат.

Ходимларнинг муомила одоби

❖ Солик тўловчиларга очик юз ва ним табассум билан муносабатда бўлинади.

Саволи ёки эътирози ноўрин бўлган тақдирда ҳам туйғулар ошкор этилмайди.

❖ Коридорда ёши ўзидан каттароқ кимсага дуч келинса, у қайси масалада, кимнинг олдига келганлигидан қатъи назар олдидан “Ассалому алайкум!” деб ўтилади.

Башарти ўша кимса саломга бирор бир сабаб билан алик олмаса, эътибор қилинмайди, юз ифодаси ўзгартирилмайди ва унга норози оҳангда қаралмайди.

❖ Телефонда сўзлашилганда трубкадан “алло” деган овоз эшитилса, “Лаббай, ассалому алайкум”, дея жавоб берилади. “даа”, “ҳаа”, “ҳўй”, “нима”, “нимайди”, “ким керак”, “кимсиз”, “эшитаман” қабилида жавоб берилмайди.

❖ Сайёр солик текширувлари ёхуд солик аудитини ўтказишга чиқилганда, тавозе билан салом бериб, ўзини танишириди, хизмат гувоҳномасини қўрсатади ҳамда мулойимлик билан безовта қилиши сабабини айтади ва ташрифига асос бўлувчи хужжатни (буйруқ, қарор ва ҳ.к.) тақдим этади.

❖ Ўрганиш ва текширувлар жараёнида камтарлик, хушмуомалаликка, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилади;

- ❖ Аниқланган камчилик Солиқ кодекси ёки тегишли меъёрий хужжатнинг аниқ модда ва бандлари кўрсатилган ҳолда ётиги билан тушунтирилиб, уни бартараф этиш йўллари ўргатилади. Зарурат бўлса, бундан кейин эътиборлироқ бўлишлари, қонунчиликда бундай қоидабузарлик такроран содир этилса, ундай ҳолда молиявий ёки маъмурий санкция қўлланиши кўзда тутилганлиги уқтирилади;

Хизмат жараёнига учинчи шахсларни норасмий ёллаш ман этилади. Чунки улар фуқаро олдида ўзларини бетакаллуф тутишлари, суиистеъмоликка йўл қўйишлари эҳтимоли юқори, бу эса оқибатда фуқароларда солиқ органлари ходимлари ҳақида салбий тасаввур ҳосил бўлишига олиб келади.

- ❖ Тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ёки бухгалтерларига нисбатан “Нишондасан”, “Контролдасан”, “Қарагин лекин” қабилидаги сирли пўписалар ишлатилмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам дағдаға қилинмайди ва “сиз”лаб гапирилади.

Давлат хизматчисининг фаолиятига тўсиқ бўлувчи омиллар:

- ❖ Ишни кейинга суриш;
- ❖ Бошлаган ишини охирига етказмаслик;
- ❖ Ҳамма ишни бирданига бажариш;
- ❖ Вазифани якка ўзи ҳал қилиш;
- ❖ “Бошқаларга қараганда мен ўзим яхши биламан” деган туйғу;
- ❖ Хизмат вазифаларини чегаралай олмаслик;
- ❖ Айб ва айбдорни қидириш ва айбни бошқаларга тўнкаш;
- ❖ Вақтни ишга тўғри тақсимлай олмаслик;
- ❖ Сусткашлик.
- ❖ Топшириқнинг бажарилиши ва унинг натижасини назорат қилмасликтан иборат.

Мулоқат одоби

Инсоннинг гўзал ҳаёт кечириши, жамиятда ўз ўрнини топа олиши, бошқаларнинг ҳурмат-эҳтиромига эришишида муомала маданиятининг ўрни катта. Инсоннинг ширинсўзлиги унинг тарбияланганидан гувоҳлик берса, сўзга бойлиги, чечанлиги, билимдон ва ўқимишли эканлигини кўрсатади. Гўзал муомала инсон дилини қанчалик хушнуд этса, аксинча аччиқ сўз, қўпол муомала инсон қалбини ларзага солади.

Муомала қилишни билиш – авваламбор, сухбатни олиб бора олиш қобилятидир. Бу ерда ҳам умумқабул қилинган қоидалар мавжуд.

Якунланмаган сухбатни ўртасида ташлаб кетманг, мулоқот жараёнида

сизга қарши фикр билдиришса, жizzакилик қилманг.

Даврада бирор одам билан шивирлашга ўтманг, бу атрофдагиларнинг ғашига тегади.

Сўзлашаётганда секин ва босиқлик билан гапиринг, нигоҳингиз сұхбатдошнинг тугмачаси ёки бошқа нарсасига эмас, балки унинг нигоҳига қадалган бўлиши лозим

Бошқаларни қўл билан кўрсатманг, узокдаги одам билан сўзлашиб, шовқин қилиб умумий сұхбатга ҳалақит берманг

Сұхбатни худди отамерос мулқдай, яъни ундан бошқаларни сиқиб чиқариш ҳуқуқига эга одамдай эгаллаб олиш керак эмас аксинча, шунга ҳаракат қилиш керакки, худди бошқа нарсаларда бўлгани сингари сұхбатда ҳам ҳамма ўз навбатига эга бўлсин.

Муомала одоби бошқа, кишилар қадр-кимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий-меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши нутқ воситасида амалга ошади. Сўзлаш ва тинглай билиш сұхбатлашиш маданиятининг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинаханлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеълик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қиласи.

Ўз она тилини ҳурмат қилган инсон унинг бузилишига йўл қўймайди. Ажнабий сўзларнинг аниқ маъносини билган ва уларни тўғри талаффуз эта оладиган киши, зарурат бўлса, уларни ўз нутқида ишлатиши мумкин.

Расмий муносабатда фақат сизлаб гаплашилади. Раҳбарнинг қўл остида-ги барча кишилар билан бўлган муносабатида ҳам нотаниш инсонга мурожаат қилинганда ҳам сизлаб гаплашилади.

Сен деб фақат оилада мурожаат қилиш мумкин.

Давлат хизматчиси фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти деганда, қуидагилар назарда тутиласи:

1. Сўзлаш (жумладан, омма олдида) санъати.
2. Тинглаш қобилияти.
3. Сұхбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар, қўл остида ишлайдиганлар)ни объектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари.
4. Ҳар қандай одам билан муносабат ўrnата олиш ва ўзаро манфаатдорлик асосида унга самарали таъсир ўtkаза олиш.

Чинакам мулоқот маданияти юксак ахлоқий маданиятни назарда тутади, яъни ўзга кишида ўзи учун ўз мақсадига эришиш учун керакли одамнигина

эмас, балки тўлақонли шахсни кўра билиш зарур.

Меъёрий хужжатлар ва илмий адабиётлар ва рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрда тасдиқланган “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-аҳлоқининг намунавий қоидалари” тўғрисидаги 595-сонли қарори.
3. Солик қўмитасининг 2022 йил 24 октябрдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Солик хизмати органи ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари”.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни.
5. Муҳаммаджонова Л.А. “Этикет” фанидан магистратура таълим йўналиши учун тайёрланган ўқув-услубий мажмуя. – Т.: ЎзМУ, 2011.
6. Ҳусанов Б., Ғуломов В. Муомала маданияти. Дарслик. – Т., 2009.
7. Муҳаммаджонова Л.А. Давлат хизматчиси этикаси ва имижи (Ўқув қўлланма). – Т.: “Университет”, 2017.
8. Магзумова Ш, Махмудов И., Хайдарова Г., Мирджураева Н. “Нотиклик санъати” фанидан ўқув қўлланма. – Т.: “Академия”, 2015.